



ИСТЕЪДОДЛАР КЎРИГИ

Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон-Ватаним маним» республика кўшиқлар курик-танлови якунловчи босқичи пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Курик-танлов якуни ва аҳамияти хусусида гапириб беришни Ўзбекистон маданият ишлари вазири уринбосари Равшан Юнусовдан сурадик.

«Ўзбекистон-Ватаним маним» республика кўшиқлар курик-танлови 1995 йил декабрдан бошланган. Аввал туманларда, кейин вилоятларда ўтказилиб, Тошкентда якунланди. Якунловчи босқич 3 кун давом этди. Курик-танлов аҳамияти шундан иборатки, комиссия хайъати шорлар, композиторлар ва ижрочилар маҳоратини ҳам баҳолади. Бу курик-танлов дастури ва шеърий жанрлар ранг-баранг бўлишини таъминлади.

Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритганига 5 йил бўляпти. Янги давр, янги замонда Ватанни малҳ этувчи янги куй-қўшиқларни яратиш санъаткордан катта маҳоратни талаб этади. Республикаимиз санъаткорлари бу вазифанинг уйдасидан чиқдилар. Жонажон юртимиз ва халқимизни удулловчи асарлар яратилди. Албатта бу асарлар халқимиз бойлиги ва санъаткорнинг сеvimли куй-қўшиқларига айланишига сира шубҳа қилмайман.

Курик-танлов бутун халқимизни янги куй-қўшиқ яратишга руҳлантириб юборди. Унда 5 етдан 70 етгача бўлган

кишилар иштирок этди. Тошкент вилоятидан ҳаваскор Бахтиёр Умаров номини алоҳида таъкидлайман. Унинг зур маҳорат билан ижро этган қўшиги томошабинлар қалбини ром этди. Курик-танловнинг энг ет қатнашчиси - 5 ешли Дилшод Каттабеков ҳам томошабинлар дилларини завқ-шавққа тўлдириб юборди.


«Ўзбекистон-Ватаним маним» кўшиқ байрами кўни ўтказилганидан бўлди. Бу ҳақда Президентимизнинг Фармони чиққандлиги айти мўддаодир. Бундай кўшиқ байрами мустақиллигимизни мустаҳкамлашга катта ердам беради.

ДИП ҚУВОНЧИ

«Ўзбекистон-Ватаним маним» кўшиқлар курик-танловида хушовоз хонанда Сафия Сафтарова шоира Хосият Бобомуродова шеърига басталган «Ватан ягонадир» кўшиги учун фахрли учинчи уринни қўлга киритди. Курик-танлов совриндори мухбиримиз билан сўхбатда шундай деди:

« Мен жуда кўп кўшиқларда, фестивалларда иштирок этганман. Бирок, «Ўзбекистон-Ватаним маним» курик-танловида иштирок этиш катта бахт бўлди. Ойна-Ватанни малҳ этиш ҳар бир санъаткорнинг муқаддас бурчи. Шоира Хосият Бобомуродова билан яратган қўшигимиз учинчи уринга лойиқ топилгани бизни қувонтирди. Муҳтарам юртбошимизнинг фармони билан ҳар йили ўтказилган кўшиқ байрами кўнида янги кўшиқлар билан мунгазам қатнашини дилимга тугиб қўйдим.

Сўхбатдош Д. БОБОЖОНОВА



ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ

НАЗАРМАТ

БАХТ ЕРИМИЗ

Бизларни улғайтиб оналаримиз,
Бахт талаб, йўлайди улкан ҳаётга,
Ҳаётда чеккан ҳар заҳматларимиз,
Фарзандлик бурчини келтирар ёдга.
Ватаннинг бағрида топиб биз камол,
Тақдир, умримизни унга боғлаймиз,
Ҳаётнинг маънисини нури истиқбол,
Бу эзгу ниятга ўзи чоғлаймиз.

БАХТИЁР ЭП

(кўшиқ)
Олам аҳли қилар мафтун
Хур улкамнинг жамоли.
Истиқболдан бағри бутун,
Истиқболдан камоли.

Нақорат
Шарқ машғали, юрт жонажон,
Қаддини ростлар шоён.
Бир ўлкаки, жаннатмакон,
Тола шон Ўзбекистон.

Қадамидан олов чақнар
Қадами қутлуғ дийр.
Мангайда юлдуз норлар,
Мақсади улғу дийр.

Ҳало меҳнат топар обрў
Ҳаёт жушқин хур дийрда.
Ҳар юракда эзгу орзу -
Эрку иқбол ихтиёрда.

Одамзод иқболи ҳало бунёди,
Удирар ризқ-рўзин она ердан,
Фарзандлар ҳаётда элин қанотини,
Ҷамаллар удирар азму меҳрибани.
Шунинг-чун фарзандин ардоқлар дийр,
Дер улар заминда буюк бунёдкор,
Она эл мардларин нигоҳобоним дер,
Уларни эъозлаб, жон-жаҳоним дер.
Мунаввар йўларда борур фарзандлар,
Ҳаётбахш меҳридан яшнар гушманлар,
Бизларни улғайтиб оналаримиз,
Бўлинг дер мард, қодир фарзандларимиз.

Барқарор эл, бахтиёр эл,
Яшнавергин то абад,
Бахту иқбол мудом ёр эл,
Яшнавергин то абад.

Рустам ХЎЖАЕВ.

КЕПАЖАГИ БУЮК ЮРТИМ

Истиқлолдан ярадин сен,
Мустиқил юрт аталдин сен.
Меҳр бўлиб, газал бўлиб,
Юракларга таралдин сен.

Сени тарқ этмасин асло,
Бошингдаги қўшиқ «Хумо».

Хурриятнинг бешигида,
Ардоқланган дийримсан,

Йўлинг ойдин, толеинг оқ,
Завол кўрмас баҳоримсан.

Ўзбекистон улғу юртим,
Юялари қутлуғ юртим.

Озодлик бахтидан масрур.
Довонлардан овар ҳалқим.
Насобаси бутун эла,
Фароғатли яшар халқим.

Безакон беҳаю юртим,
Ажойиб хуш ҳаво юртим.

Дийрим Ўзбекистоним,
Мусаффо тоза осмоним.
Аташа ҳаққимни сени,
Беҳиштин - бағри бўстоним.

Туларга қон суюк юртим,
Келажаги буюк юртим.

САДОКАТ.



МУСТАҚИЛЛИККИ ШОН-ШАРАФЛАР БЎЛСИН!

**Олмониянинг Ўзбекистон Республикасидаги
Аҳмади Трейдинг компани жамоаси барча
Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан
чин қалбдан муборакбод этади.
Мамлакат раҳбариятининг Буюк Ватаннинг
буюклигини таъминлашдек эзгу мақсадлар
йўлидаги оқилона, собит саъй-ҳаракатларидан,
хорижий тадбиркор — тижорат аҳилларига
бераётган катта эътиборларидан жуда
миннатдормиз.
Бунда биз меҳрибон она. Юртимизнинг ватандош
фарзандларига бўлган ноёб эҳтиромини кўрамыз,
қувонамыз.**

**Иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, маърифий
соҳаларда тарихан қисқа вақтда эришилган
беқиёс ғалабаларга, ёш авлодга озод ва обод
Ватан қолдиришдек олий ниятга камарбастамиз.
Имонли, келажаги нурли ўзбек халқининг барча
улуғ ишларида Аллоҳ ҳамиша мададкор бўлсин.**

AHMADI TRADING COMPANY
Бош директор Қудратуллоҳ АҲМАДИ
Телефон: 36-24-37, 36-30-76

Мустақиллик тўғналари

ЖИЗЗАХДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Шу кунларда Жиззах вилоятининг шаҳар ва туманларида байрам шодоналари бўлиб ўтмоқда. Ҳокимлик раҳбарлари, кичилоқ фуқаролар йиғинлари раислари, давлат идораларининг бошқичлари, касабасум фаоллари, олимлар, кичилоқ зиёлилари республикамиз эришган ютуқлар, жойларда бўлган ўзгаришлар, республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни хусусида сўхбатлар ўтказаяпти. Маданият ва санъат ҳодимлари театрлашган сахна уйинлари ҳамда концертлар намойиш этмоқда. Ташкилотлар, хусусий корхоналар, турли жамғармалар, ҳужаликлар кўп болиб, кам даромадли оилаларга моддий ердам кўрсатаяпти.

Вилоятда мустақиллик байрами арафасида Жиззах кўзголинининг 80 йиллиги нишонланди. Бу санага бағишлаб курғазмалар ва эшиттиришлар тайёрланди. Жиззахда ўтаётган қатор тадбирлар республикамиз мустақиллигининг беш йиллиги байрами шодоналарига уланиб кетди.


А.ЭРГАШЕВ



ВАТАН ОСТАНАДАН БОШПАНАДИ

Абдуғаффор Каримов раҳбарлик қилган Косонсой тумани маданият уйининг «Шаҳноз» апула ва рақс ансамбли ижодий жамоаси республикамиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб «Ватан остонадан бошланади» деб номланган адабий мусиқий дастурни мухлислар ҳужмига ҳавола этди. Адибахон Саломова сценарийси асосида сахналаштирилган томошадан Абдулла Оринов, Гулчехра Нуриллаева, Азим Суюнларнинг юрт, Ватанга муҳаббат туйғулари мужассам бўлган шеърлари, ансамбл ижодий жамоасининг мустақиллик, истиқлол тараннум этилган куй ва қўшиқлари урин олган бўлиб, томошабинлар катта қизиқин билан кутиб олмоқдалар. ИИжодий жамоа мазкур концерт дастурини вилоят бўйлаб ўтказилган гастрол сафарига ҳам намойиш этадилар.

С.СИРОЖИДИНОВ.



Истироҳат боғлари кишини эрталам оламга етаклаб «Бобур» боғида учта янги қаҳвахона қуриб битказилди. Шўх болажонларнинг жону дилига айланиб қолади. Шўх кирганга ўхшайди. Наманган шаҳрида қайта таъмирланган фавворалар барно этилди. Боғдаги 40 дан ортиқ ўйингоҳ эса Тургунбек Маҳкамзода суратлари.

Тургунбек Маҳкамзода суратлари.

